



O'ZBEKISTON OVOZI

● 2013-yil, 5-mart. Seshanba ● 26 (31.616)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 март куни Оқсаройда Франция Республикаси ташқи ишлар вазири Лоран Фабиусни қабул қилди.

Франция ташқи ишлар вазирининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон — Франция муносабатларини мустақамлаш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб муаммолар бўйича изчил ривожланиб бораётган мулоқотнинг мантиқий давомидир.

Давлатимиз раҳбари мөҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашаётгани, ўзаро учрашувлар изчиллик касб этаётгани Францияда Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор берилишининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади. Ислам Каримов Франция Президенти Франсуа Олландга яқинда йўллаган самимий ва эзгу тилаклар, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истағи билдирилган мактуби учун миннатдорлик изхор этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Франция сармоёси иштирокида тузилган йигирмадан зиёд қўшма корхона, шунингдек, ушбу мамлакатнинг қатор йирик компаниялари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларига, хусусан, Франциянинг етакчи компаниялари иштирокида ўзаро манфаатли юқори технологияли қўшма

лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Франция делегацияси таркибиде қатор йирик компаниялар раҳбарлари ҳам ташриф буюрган.

Томонлар мазкур ташриф доирасида имзоланган ўзаро англашув меморандумига мувофиқ мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаётган Франция тараққиёт агентлиги йўналиши бўйича ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир долзарб муаммолар, аввало, Афғонистонда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган моҳиронинг тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига ёрдам бериш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида, шунингдек, давлатлараро ва фуқаролик жамияти институллари даражасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Лоран Фабиус самимий қабул ҳамда томонларни қизиқтирган кенг кўламли масалаларни конструктив руҳда муҳокама этиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изхор этди.

ЎЗА

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИ ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ ТИЗИМИДАГИ ЎҚУВЛАРДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ҲАМДА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИ.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



ДАХЛДОРЛИК ТҲЙҒУСИ

меҳнат қилиш, изланишга ундайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан Олмазор туманида ташкил этилган сиёсий ўқув машғулотига депутатлар, партия фаоллари, сиёсатшунос олимлар ва ёшлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

2013 йил — Обод турмуш йили

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда аҳоли ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг олтинчи бўлимида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар-жойларининг қиёфасини яхшилаш, ободлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

Давлат дастурини бажариш доирасида маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади. Шу мақсадда «Замонавий маҳалла» меморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилади, мавзе ва маҳаллалардаги йўللар ва кўчалар-

ни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг ташқи ёритиш тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлаш дастури тасдиқланди. Намунавий лойиҳаларга мувофиқ яқка тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар, биноларнинг олд қисмини ва томларини таъмирлаш, маҳаллалар худудидаги ирригация ҳамда дренаж тизимларини янгилаш кўзда тутилган. Кўчалар ва йўллар замонавий услубда таъмирланади, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланади. Аввал қурилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгилашни барпо этиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш режалаштирилган. Мини-футбол, баскетбол ва волейбол машғулотлари учун спорт майдончалари кўпаяди.

(Давоми 2-бетда.)

Тиббиёт

— Марказимиз ҳудудда яшовчи аҳолининг саломатлигига таъсир этувчи омиллари ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ушбу йўналишда тумандаги барча тиббиёт бирлашмаси бўлимларига, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пункти ходимларига услубий ёрдам бериш каби ишлар билан шуғулланади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туман «Саломатлик» маркази раҳбари Лола Қутлимуратова.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

— Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «Усмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш», «Усмирларнинг репродуктив саломатлиги», «Одам савдоси», «ОИВ/ОИТСнинг олдини олинг», «Ўз умрингни завоқ қилма», «Сен соғлом турмуш тарзини танла!», «Тўғри овқатланиш!» ва бошқа долзарб мавзуларда учрашувлар ташкиллаштириляпти.

Шунингдек, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва уни вояга етказиш учун зарур шарт-шароит яратиш, ҳар

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Истиқлол имкониятлари

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР

мамлакатимиз аҳолисини мевага, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, бозорларимизда нарх-навони янада арзонлаштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади



Республикаимизда барпо этилаётган интенсив боғларнинг яратилиш тарихи ва иқтисодийетимизда тутган ўрни, бу боғларнинг ҳосилдорлиги омиллари, келажакда хусусида Р.Шредер номи боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори Шермухаммад ЮСУПОВ билан суҳбатлашдик.

— Авваламбор интенсив боғларни яратиш зарурияти қандай пайдо бўлгани, бундан кўзланган мақсад ҳақида тўхталасангиз?

— Маълумки, интенсив боғлар кейинги йилларда бутун дунёда кенг тарқалиб, ривожланмоқда. «Интенсив» сўзининг дугавий маъноси жадаллаштириш демакдир.

Республикаимизда юқори ҳосил берувчи пакана ва ярим пакана мева (интенсив) боғларни барпо этишдан мақсад, республика аҳолисини мевага бўлган талабини тўлиқ қондириш, бозорларимиз тўқин-сочилигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини йилдан-йилга ошириб боришдан иборат.

3-бет

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2013 ЙИЛ 5 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2655,28	1 Дания кронаси	353,99	1 Хитой юани	325,48	1 Туркия лираси	1126,39
1 АҚШ доллари	2026,04	1 БАА дирҳами	551,62	1 Украина гривнаси	253,48	1 Швейцария франки	2150,79
1 Россия рубли	66,13	1 Миср фунти	300,59	1 Малайзия ринггити	652,82	10 Жанубий Корея вон	18,58
1 Австралия доллари	2058,05	1 Исландия кронаси	16,31	1 Польша злотийси	638,57	10 Япония иенаси	217,08
1 Англия фунт стерлинги	3046,15	1 Канада доллари	1968,37	1 СДР	3054,28		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИЖТИМОИЙ КЎМАК

электорат вакиллари-нинг партияимизга ишончини мустақамлайдди, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширади

2



БЕПУЛ ҲУҚУҚИЙ КЛИНИКА

фаолиятдан талаба ҳам, маслаҳатга муҳтож фуқаро ҳам манфаатдор бўляпти

4



ВАТАН МАДҲИ

4

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

2013-2015 йилларда кў-каламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Маҳаллалар ичидagi кўчалар бўйларига ва махсус ташкил этиладиган «яшил» худудларга ҳар йили 15 миллионга манзарали ва 29,5 миллионга мевали дарахт, шунингдек, 10 миллионга бута ҳамда гул кўчатлари экилади. Буларнинг барчаси дам олиш, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Турар-жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, узоқ туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳам белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ушбу муҳим ишларнинг аксарияти Давлат дастурида режалаштирилган қишлоқ жойларда ижтимоий инфраструктузилмани яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳаси орқали амалга оширилади. Бу ишларга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

Одамлар, айниқса, болалар ва ёшларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратишга ҳам катта эътибор қаратилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги клуб муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш орқали 2013-2018 йилларга мўлжалланган Маданият, санъат ва

аҳолининг дам олиш марказларини ташкил этишга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил қилиш, халқ ижодиётини ривожлантириш, маданият муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида 2013-2015 йилларда каттик маиший чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтиришга доир белгиланган комплекс тадбирлар шахарлар ҳамда маҳаллалар худудларида санитария-экологик вазиятни янада яхшилашга қаратилган. Чикиндиларни йиғиш бўйича фаолият кўрсатилган пунктларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, таъминловчи контейнерлар билан жиҳозлаш, шунингдек, махсус техника паркни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар ҳисобидан янгилаш шулар жумласидандир. Маиший чиқиндиларни йиғиш, транспортировка ва утилизация қилиш бўйича жаҳон амалиётида синовдан ўтган услублар жорий этилади. Тожкентда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Кейинчалик бундай лойиҳалар мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади, бу борада тегишли худудий дастурлар

қабул қилинади. Чунончи, уларнинг биналарини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, компьютер ва бошқа техника воситалари, мебель билан таъминлаш, янги маҳалла гузарларини ташкил этиш ҳамда уларга туташ худудларни ободонлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, яшаш жойида маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланган яққа тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзларини бериш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Бу эса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Ёрдамга, меҳр-муруватга муҳтожлар ҳақида ғамхурлик қилиш ҳалқимизга хос азалий фазилатлардан бўлиб, истиқлол йилларида улар янада ривожланмоқда. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат тузилмаларидан ташқари жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оилалар, болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади ва болани вояга етказиш бўйича ижтимоий нафақалар тўланади. Қаровга муҳтож ёлғиз қариялар ҳар ой тегишли моддий ёрдам олади. Маҳаллаларда исти-

қомат қилаётган ёлғиз пенсияонерлар, ногиронлар, қувчисини йўқотган оилаларга куз-қиш мавсуми арафасида уйлари таъмирлашда ёрдам кўрсатилади. Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хотира ва кадрлар куни арафасида эса кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига совғалар топширилади, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Маҳалла мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жамият олдидagi ўз бурчи ҳамда масъулиятини чуқур англаш бўйича тарбиялаш бўйича амалга ошириладиган улкан ишларда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун жорий йилда «Маҳалладан бошланур Ватан» шiori остида комплекс маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Маҳаллалар раислари иштирокида ўтказиладиган «Меҳрдан яшнар кўнгли», «Бир болага етти қўшни отаона» фототанлови, шунингдек, «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Намунали профилар тика нозира» каби кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қи-

лиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш амалга оширилаётган кенг қўламли ишлардан жаҳон ҳамжамиятини кенг хабардор қилиш мақсадида 2013 йилда маҳалла институтининг ташкил топшириш ва ривожланиш тарихи ҳақида ҳужжатли фильм, халқимиз биллиги ҳамда аҳиллигини, жамиятимизда тинчлик-тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильм суратга олиш режалаштирилган. Ушбу мавзуга бағишланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» номли китоб, «Жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак» мавзуда илмий-оммабоп рисола чоп этилади.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салoҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жаҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, бу жараёнда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг маҳалла каби муҳим институтлари ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎЗА

Муносабат

Табият неъматларидан тежаб-тергаб фойдаланиш инсониятнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки ҳамма нарсанинг чеки, чегараси бўлганидек, табиий бойликларнинг ҳам бир кун охири кўринади. Уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга қолдириш ҳам фарз ҳам қарзидир.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

табиий бойликларимизни асрашга, аҳолининг электр манбаига бўлган талабини қондиришга, коммунал хизматлар таннархини пасайтиришга, бошқача айтганда, инсон манфаатига хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 март куни имзоланган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди, дейиш мумкин. Чунки муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони бу борада тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди, дейиш мумкин. Чунки муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони бу борада тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди, дейиш мумкин. Чунки муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони бу борада тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-кўш» илмий ишлаб чиқариш бир-лашмаси негизида Халқаро кўш энергияси институтининг ташкил этилиши, «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонасида энг замонавий технологияларга асосланган 100 МВт қувватли фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхонанинг барпо этилиши, Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга кўш фотоэлектрик станциясининг қурилиши, кўш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчи ва фойдаланувчиларнинг рағбатлантирилиши, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда афзалликлари берилиши шубҳасиз мамлакатимизда мазкур соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқади.

Энг муҳими, талаб этиладиган энергияни ишлаб чиқариш учун сарфланиши мумкин бўлган қайта тикланмайдиган ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган жуда катта табиий бойликларимизни асраш, улардан оқилона фойдаланиш имкониятларини кенгайтирилади. Бундан ташқари, муқобил энергия манбаларининг ривожлантирилиши мамлакатимиз санoат соҳаси ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларининг янада жадал ривожланиши учун янги куч бағишлайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларнинг юқори сифатли бўлиши учун соҳада рақобат муҳитини ривожлантириш, шу жумладан, энергиянинг муқобил ва тикланадиган манбаларини ҳамда ресурсларини тежайдиган технологияларни қўллаш ҳисобига коммунал хизматлар таннархини пасайтириш ва тарифларнинг тегишлича барқарорлаштиришни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Мазкур фармонда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишидан мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, партиянинг электроти жуда катта манфаатдордир.

Шу боис ҳам бу лойиҳаларни амалга ошириш жараёнларида фаол иштирок этишимиз зарур. «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда унинг муҳокамалари жараёнида ташаббускор бўлишимиз, ҳаётий тақлифлар билдиришимиз талаб этилади.

Алишер ҚОДИҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

меҳнат қилиш, изланишга ундайди

— Куни кеча қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз ижро этилиши партияимиз электротати ҳисобланган аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манфаатлари таъминланишига хизмат қилади, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Мамлакатимизда барқарорлик ва оқилоналик, хавфсизлик, фуқароларо ҳамда миллатларо тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва раванкини изчил юксалтириш Давлат дастурининг энг устувор йўналишлари сифатида белгиланган. Шундай экан, барча даражадаги партия ташкилотлари бу борада изчил иш олиб бориши, Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни сидқиқ дилдан адо этиши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидagi депутатлик гуруҳларимиз электротат манфаатлари юзасинда долзарб масалаларни сессиялар муҳокамасига киритиши талаб этилади.

Давра суҳбатига «Обод турмуш йили» Давлат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида белгиланган вазифалар, миллий қонунчилигимизга киритилаётган айрим ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Коммила Каромова** фикр билдирди.

— 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини камиди 23 фоизга ошириш кўзда тутилган, — деди у. — Шунингдек, ижти-

мой соҳани янада ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш ишларида Давлат бюджетте ишлари ҳаражатларнинг қарий 60 фоизи йўналтирилади. Турмуш фаровонлиги ва аҳоли реал даромадлари муттасил ўсишини таъминлаш, эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш Давлат дастурида муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Демак, партияимиз ўз фаолиятида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиши, бу ҳақда электротат вакиллари орасида тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириши, депутатлик ва жамоатчилик назорати таъсирчанлигини ошириши керак.

Тадбирда, шунингдек, **фалсафа фанлари доктори, профессор Нигина Шермухаммедова** сўзга чиқиб, бугунги кунда ёшларнинг сиёсий жараёнларга муносабати, иштироки, бунинг мамлакат равнақидаги аҳамияти хусусида фикр билдириди. Ёшларни қизиктирган саволларга жавоб қайтарди.

— Бугунги тадбирда биз ёшлар Обод турмуш йилида ертимизда амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар тўғрисида кўп маълумотлар олдик, — деди **Элбек Рўзиматов**. — Халқ демократик партиясининг бугунги вазифалари ҳақида ҳам тушунча ҳосил қилдим. Сиёсий партиянинг жамият ҳаётидаги ўрни қандай бўлиши кераклигини чуқурроқ англадим. Шу боис яқинда Халқ демократик партиясига аъзо бўлиб, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқчиман.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ИЖТИМОЙ КЎМАК

электротат вакилларининг партияимизга ишончини мустаҳкамлайди, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширади



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар худудларда аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маҳаллаларнинг одамлар ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

имтиёзли кредит олиши учун зарур ҳужжатлар, бизнесрежа тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатилади, — деди у. — Натижада хотин-қизлар ва касб-хунар коллежларини таъминлаш 25 нафардан ортиқ ёшлар доимий иш ўринига эга бўлди.

— Тадбирга тайёргарлик қилиш жараёнида туманнинг Поп, Чинор, Ўзбекистон, Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, давлат бюджетидан ижтимоий ёрдам учун ажратилаётган маблағларнинг ман-

зилига етиб боришида партия депутатлик гуруҳларининг амалий иштироки масалалари танқидий-таҳлилий ўрганилди, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Шу билан бирга, касана-чиликни йўлга қўйиш, оилавий тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган 30 нафар касб-хунар коллежлари битирувчиларига бизнесрежа тuzатиш, кредит олиш масаласида ҳуқуқий маслаҳат бериш ва тижорат банкларига тавсия этилди.

Давра суҳбатига **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров** ва **Жўрақўзи Қўлдошев**

миллий қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, муҳокама қилинаётган янги қонун лойиҳалари хусусида сўз юритди, электротат вакилларини қизиктирган саволларга жавоб қайтарди.

Тадбир давомида тижорат банклари томонидан бизнесрежалари истиқболли деб топилиган 11 нафар касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Мазкур маблағлар эвазига 30 га яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

— ЎзХДП фаолларининг амалий ёрдами билан имтиёзли кредит олиш учун сертификат олдим, — деди **Оловиддин Муҳиддинов**. — Деҳқон ҳўжалиги қошида чорвачиликни йўлга қўйиш ниятидаман. Дастлаб 6 киши билан иш бошлаймиз. Кейинроқ, фаолиятимизни кенгайтириб, иш ўринлари сонини кўпайтирамиз.

— Балиқчилик ҳўжалиги ташкил этиш мақсадида 25 миллион сўм кредит олиш имтиёзини берадиган сертификатга эга бўлдим, — деди **Рамзиддин Муҳиддинов**. — Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 5 нафар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаймиз. Бу ишни бошлашга ундагани, маънавий жиҳатдан ҳамда амалий қўллаб-қувватлагани учун ЎзХДП фаолларига миннатдорлик билдираман.

Тадбир доирасида туман бандликка кўмаклашиши ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ямаркази ташкил этилди. Унда 100 га яқин киши ишга жойлаштириш бўйича йўланма олди. Кўнма Жамоатчилик қабулхонасида эса фуқароларнинг қўллаб-қувватлаш юзасидан мурожаатлари тингланди. Уларга депутатлар, ҳуқуқшунослар томонидан маслаҳат беришди, айрим масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат борилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ана шундай тадбирлардан бири ЎзХДП Поп туман кенгашида ташкил этилди. Давра суҳбатига **Наманган вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутати вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати Ғуруҳи раҳбари Абдурашид Убайдуллаев** лойиҳанинг иж-

тимоий аҳамияти ҳақида сўз юритди.

— 2012 йилда мазкур лойиҳа асосида тадбирларда оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик билан шуғулланиш истагида юрган 15 нафар электротат вакилига 150 миллион сўмдан ортиқ

Истиқлол имкониятлари

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР

мамлакатимиз аҳолисини мевага, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш, бозорларимизда нарх-навони янада арзонлаштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади

— Дастлабки кўчатлар синов сифатида қайси ҳудудда, қанча майдонга экилди? Шу кунгача республикамизда жами қанча гектар ерда интенсив боғлар яратилди?

— 2010 йили Республика раҳбариятининг ташаббуси билан интенсив технологиялар асосида парваришланадиган паkana ва ярим паkana олма, нок, олхўри, гилос ва шафтоли кўчатлари илк бор Украина ва Польша давлатларидан олиб келиниб, асосан Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятларининг фермер хўжаликлари ер майдонларига экилди.

Ушбу боғлар мамлакатимизнинг тупроқ-иклим шароитига тез мослашиб, қисқа муддат — орадан бир йил ўтиб, яъни 2011 йилдан бошлаб, мевали боғларнинг ҳар бир гектаридан 50-70 центнергача ҳосил олишга эришилди.

Натижада бундай боғларни йилдан-йилга кенгайтириш, уларни деҳқон ва фермер хўжаликларида барпо этиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан аниқ манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ҳозиргача республиканинг барча ҳудудларида жами 5,3 минг гектар, жумладан, Самарқанд вилоятида 1300 гектар, Тошкент вилоятида 1000 гектар, Қашқадарёда 600 гектар, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятларида 400 гектардан паkana ва ярим паkana мевали боғлар барпо этилди.

Республика бўйича 2013 йилда 3,0 минг гектар паkana ва ярим паkana интенсив мевали боғлар барпо этиш белгиланди ва уларни йилдан-йилга кенгайтириб бориш чора-тадбирлари кўриломоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда паkana ва ярим паkana кўчатларни кўпайтириш мақсадида хориждан пайвандтаглар олиб келиниб, Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тад-



қиқот институти ва фермер хўжаликларининг ер майдонларида оналик кўчатзорлар барпо этилди. Ҳозирда институтида ярим паkana мевали кўчатлар етиштирилиб, деҳқон ва фермер хўжаликларида етказиб берилмоқда.

— Интенсив боғларда экилаётган олма навида бироз тўхталсақ. Нега олманинг айнан шу турти танланди?

— Интенсив боғларда асосан олма кўчатлари экилишининг боиси олма дарахтининг кўчатлари тез ҳосилга киради, гектарига кўчат сони қалин экилиши (2000-2500 донна) сабабли ҳосилдорлик юқори бўлади.

Бунда экилаётган олма навлари пайвандтагга пайванд қилиниб, кўчатзорларда кўпайтирилиб, экилади. Интенсив мевали боғларда экилаётган олма кўчатларининг асосий навлари Давлат реестрига киритилган Ренет Смирненко ва бошқалардир.

— Уни ўзимизнинг оддий олмалардан фарқи нимада? Таъми, ширинлиги, витаминга бойлиги қай даражада?

— Экилаётган олма навларининг кўпчилиги кузги ва қишки навлар бўлиб, мевалари мамлакатимизда

етиштирилганлиги боис уларнинг таъми, ширинлиги, витаминларга бойлиги ўзимизнинг олма навларидан фарқи бўлмайдими. Айрим кечки навларнинг таъми нордон, ширин, таъқи кўринишининг чиройлилиги ва ҳосилдорлиги илмий-тадқиқот институтларининг олимлари томонидан ўрганилмоқда.

— Ушбу олма дарахти қанча муддатда ҳосилга киради ва бир туپдан неча килограммгача ҳосил олиш мумкин?

— Паkana пайвандтагга ўстирилаётган олма навлари иккинчи йилдан ҳосил бера бошлайди ҳамда 4-5 йилдан бошлаб 40-60 тонна ҳосил олинади. Паkana пайвандтагга олма кўчатининг бир тупи 20-25 килограммгача ҳосил беради, 18-20 йил яшайди. Ярим паkana пайвандтагга ўстирилаётган олма кўчатлари бир тупи 45-50 кг ва ундан ҳам кўп ҳосил беради. 1 гектардан 30-40 тоннагача ҳосил олиш мумкин. 25-30 йил яшайди. Интенсив боғларнинг келажаги яхши, фақат уларни тўғри ва ўз вақтида парваришлаб борилса, қўзланган мақсадга эришилади.

— Бу боғларнинг парвариши қандай бўлади? Сувага чанқоқлиги қандай, илдизи қанча метрга кетади?

— Интенсив боғларнинг афзаллиги бу дарахтларнинг танаси кичик бўлганли-

ги учун улар билан ишлаш (ишлаб бериш, суғориш, кесиб, шакл бериш, дори сегиш ва мевани териб олиш) қулай.

Бундай боғларда танасига ёруғлик тўшиш ҳаво айланиши яхши бўлганлиги боис мевасининг сифати юқори бўлади. Мевани териб олишда анча қулайликлар бор, айниқса, симбагага олинган боғларда нарвон ишлатилмасдан ҳосил терилади. Бунда иш унумли, юқори бўлиши билан бирга терилган маҳсулотларнинг товар сифатига зарар етмайди, нобудгарчилик камаюди.

Бундай дарахтларнинг илдизлари вегетатив йўл билан кўпайганлиги учун илдизи попул илдиз бўлганлиги боис тупроқда паттаг чуқур кетмайди. Паkana пайвандтагга улганган кўчатнинг илдизи тупроқда асосан 60-70 см. чуқурликда жойлашади.

Ушбу кўчатларнинг илдизлари тупроқ устига яқин жойлашгани сабабли улар сувага талабчан, тупроқда намлик нормал бўлиши керак. Бунинг учун уларни томчилатиб суғориш тизимига ўтказилганда, кўчатлар яхши ўсиб, тез ривожланади.

Томчилатиб суғориш тизимлари қўлланилганда суғоришга бошқа суғориш усулларидагига нисбатан 30 фоиздан 40 фоизгача кам сув сарфланади, минерал ўғитлар 50 фоизгача иқтисод қилинади. Шунингдек, томчилатиб суғорилганда етиштирилган мева шаклининг бир хиллиги сақланиб қолади.

Олинанинг ҳосилнинг миқдори, сифати ҳамда ундан олинанинг даромад яққол кўриниб турибди. Шу боис келгусида республикада суғориладиган ерларнинг чегараланганлигини ҳисобга олиб, интенсив боғларни лалми, тоғ ва тоғолди ҳудудларда барпо этиб, улардан мўл ва сифатли маҳсулот олиш борасида чора-тадбирлар белгиланмоқда.

— Энди, бироз ҳисоб-китобларга тўхталсақ. Бугунгача жами 244,3 минг гектар мевали боғлар шундан 5,3 минг гектар интенсив мевали боғларни ташкил этмоқда. Ўртача ҳисоб-китоб қилинганда республика бўйича 2012 йилда 2 млн тоннадан ортиқ мева етиштирилди. Келгусида режалар қандай?

— Бугунги кунда ички бозорларимизда мевага бўлган талаб жуда катта. Ҳар бир оила ўзининг дастурхонидан мевалар ичида кўпроқ олма бўлишини хоҳлайди. Олма ҳар томонлама фойдали, ундаги дармондорилар, кислоталар, темир моддасининг кўплиги инсон саломатлигига ижобий таъсир этади.

Интенсив боғлар деганда фақат олманинг навини тушуниш нотўғри. Яратилаётган интенсив боғларимизда олмадан ташқари нок, беҳи, ўрик, олхўри, шафтоли, гилос ва хурмо навларининг ҳам кўчатлари экилмоқда.

Бундай дарахтларнинг илдизлари вегетатив йўл билан кўпайганлиги учун илдизи попул илдиз бўлганлиги боис тупроқда паттаг чуқур кетмайди. Паkana пайвандтагга улганган кўчатнинг илдизи тупроқда асосан 60-70 см. чуқурликда жойлашади.

Ушбу кўчатларнинг илдизлари тупроқ устига яқин жойлашгани сабабли улар сувага талабчан, тупроқда намлик нормал бўлиши керак. Бунинг учун уларни томчилатиб суғориш тизимига ўтказилганда, кўчатлар яхши ўсиб, тез ривожланади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда бундай боғлар келгусида янада кенгайди, қўшимча иш ўринлари яратилади. Мазали, витаминларга бой мевалар янги технологиялар асосида қайта ишланиб, четга чиқариш йўлга қўйилади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ва илгор агротехникаларни қўллаш ҳисобига ортиб боради.

— Бугун ички бозоримизда мевага бўлган талаб қанча? Яқин келажақда яна қанча боғ яратилади?

— Бугунги кунда республика бўйича 2 млн тоннадан ортиқ мева маҳсулотлари етиштирилмоқда, тиббий меъёрларга асосланган ҳисоб-китобларга кўра, 1 кишига йиллик ўртача меъёр 56,4 кг мева талаб этилаётган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 69,7 кг тўғри келмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда жорий йилда 5,8 минг гектар маҳаллий боғлар, 5,6 минг гектар тоқзорлар ҳам барпо этиш режалаштирилган.

Шунингдек, 5,9 минг гектар яроқсиз тоқзорлар қайта реконструкция қилинади. Интенсив боғлар майдони кенгайиши ҳосилдорликнинг йилдан-йилга ортиб бориши ва аҳолини йил давомида сархил мева маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида музлаткичи-омборхоналар қуриш ишлари олиб борилмоқда. Қолаверса, тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари томонидан меваларни қайта ишлаб, улардан шарбатлар, мурабболар тайёрланиб, халқимиз дастурхонига етказиб берилмоқда.

— Ички бозоримизни тўлдиришдан ташқари четга экспорт қилиш ҳам кўзда тутилганми?

— Янги интенсив мевали боғларнинг яратилишидан мақсад, аввало халқимизни йил давомида тўлиқ мева маҳсулотлари билан таъминлаш, қайта ишлаш, экспорт қилинаётган мева турлари ва ҳажмини ошириб боришдир. Ҳозирда мева маҳсулотларимиз нафақат Қозғоғистон ва Россия мамлакатларига, балки Европа давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Бундан кейинги бизнинг асосий мақсадимиз экспортёр давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Обиддин МАҲМУДОВ суҳбатлашди.

Реклама

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2013 йил 4 апрель куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказилади.

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган, тугатилган «Сифат текс» МЧЖ балансидаги қуйдаги мол-мулклар қўйилади:

№	Мол-мулк номи	Ишга тушган вақти	Бошланғич баҳоси
1	Тивув машинаси «Оверлог» ўрнаткич столи	01.07.2011	1 644 500
2	Тивув машинаси «Оверлог» ўрнаткич столи	01.07.2011	1 644 500
3	Тивув машинаси 22А тўғри чокли ўрнаткич столи	01.07.2011	1 308 600
4	Тивув машинаси 22А тўғри чокли ўрнаткич столи	01.07.2011	1 308 600
5	Тивув машинаси «Распошивалка» ўрнаткич столи	01.07.2011	2 719 500
6	Тивув машинаси «Распошивалка» ўрнаткич столи	01.07.2011	2 719 500
7	Тивув машинаси 22А тўғри чокли (2 донна)	1994	1 784 000
8	Орг техника (компьютер DELLUX, монитор Samsung, принтер Canon LBP 2900) 1 та жамлама	2007	1 175 800
9	Сканер Genius 1200	2005	130 000
10	Металл сейф (катта) ва (кичик)	01.01.2011	373 300
11	Мебель: шкаф офис учун, стол тумбали ва приставкали ҳамда стол 1,2*1,8 ок (2 донна)	01.07.2001	735 000

Очик аукцион шартлари:

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдориди закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш

тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур ускуналар ва автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунидан сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).
Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома №005357

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

очик танлов ва оммавий оферта савдоларига таклиф этади

2013 йил 4, 11, 18, 25 апрель ва 2 май кунлари ўтказиладиган очик танлов савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлари кўйилмоқда:

№	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога қўйилган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога қўйилган улушнинг бошланғич баҳоси	
		манзили	асосий фаолият йўналиши		Сўм	АҚШ доллари
1	«REGISTON PLAZA» МЧЖ	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 53-уй.	Жамият уставиди халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш; меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш; маблағларни меҳмонхоналарни, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш; вакилик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан қимматли қоғозлар бозориди), маслаҳат хизматларини ташкил қилиш; жамият белгиланган тартибда конун билан таққиланган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган	100 %	32 048 589 000,0	17 384 642,80
2	«XORAZM PALACE» МЧЖ	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал Беруний кўчаси, 2-уй	Жамият уставиди халқаро меҳмонхоналар андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар қуриш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш; меҳмонхона ишлари бўйича хизматлар мажмуини кўрсатиш; маблағларни меҳмонхоналарни, савдо ва сайёҳлик, қурилиш индустрияси каби турли лойиҳа ва дастурларга йўналтириш; вакилик, агентлик, реклама, маркетинг (шу жумладан қимматли қоғозлар бозориди), маслаҳат хизматларини ташкил қилиш; жамият белгиланган тартибда конун билан таққиланган бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши белгиланган	100 %	22 984 062 000,0	12 467 622,46

Қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари бўйича савдолар давом эттирилган ҳолда, ушбу улушлар 2013 йилнинг 7, 14, 28 март ва 4, 11 апрель кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига қўйилмоқда:

№	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога қўйилган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога қўйилган улушнинг бошланғич баҳоси	
		манзили	асосий фаолият йўналиши		Сўм	АҚШ доллари
1	«KESHMARBLE» МЧЖ	Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Наҳим Нуғаев кўчаси, 11-уй.	Жамият уставиди айрим турдаги мрамар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қазилма бойликларидан белгиланган тартибда фойдаланиш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш белгиланган	100 %	2 016 633 000,0	1 093 915,38
2	«GAZALKENT STONE» МЧЖ	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Заводская кўчаси, 1-уй.	Жамият уставиди саноат ва халқ истеъмол қурилиш хомашёларини ва қурилиш пардоз буюмларининг (мрамар ва гранит плиталар, декоратив мрамар мебелли) ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш белгиланган	100 %	5 380 000 000,0	2 918 361,81

Очик танлов ва оммавий оферта шартлари:

Танлов савдосига қўйилган объект меҳмонхона фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шарти билан сотилади.

Очик танлов ва оммавий оферта голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича физ ҳисобланади. Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентиди) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмилийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича

фоиз ҳисобланади.

Хўжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Савдо голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг, бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги хўжатларни тақдим этишлари лозим:
— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиш учун конун ҳужжатлариди белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
— жисмоний шахслар учун — паспорт-

нинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, конун ҳужжатлариди белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
— икки нусхадаги ёпиқ конвертлар билан қатнашиш учун қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда иштирок этиш учун талабдорлар томонидан, танлов савдоларига қўйилган улушлар бошланғич нархларининг 2 фоизи миқдориди, оммавий оферта савдоларига қўйилган улушлар бошланғич нархлари

нинг 10 фоизи миқдориди закалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўлаши лозим.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабдорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин. Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).
Мурожаат учун алоқа воситалари:
Сотувчи (Банк): телефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31
Савдо ташкилотчиси — телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru
Гувоҳнома № 005357

Таълим ва амалиёт

БЕПУЛ ҲУҚУҚИЙ КЛИНИКА

фаолиятдан талаба ҳам, маслаҳатга муҳтож фуқаро ҳам манфаатдор бўляпти



Тошкент давлат юридик институтининг учинчи босқич талабаси Марина Васильева бугун ўзи таълим олаётган олий ўқув юрти қошидаги юридик клиникада навбатчи. У клиникага мурожаат қилган мижозни тингламоқда. Суҳбатдан маълум бўлдики, аёл кексалик нафақасига қизиқпти. Аммо ҳисобланган нафақа миқдоридан ноҳақ.

Тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққан талаба аёлининг бола парвариши билан банд бўлган йиллари умумий иш стажига қўшилмаганини аниқлади ва пенсия жамғармаси туман бўлимига ариза ёзишни тавсия қилди. Аризада «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 37-моддасига ишора қилишни унутмаслигини таъкидлади. Қонуннинг айнан шу моддасида уч ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларда бўлиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланиши белгиланган. Талаба ҳатто аризани ёзиш шаклини ҳам тушунтирди. Маринанинг ишини кузатиш жа-

раёнида туғилган саволни унга бердим:
 — Суҳбатлашаётганингизда кодекс ва қонун моддалари ҳақида ҳеч қандай ҳужжатларга қарамай айтдингиз. Уларни ёддан биласизми?
 — Йўқ, ҳаммасини эмас, — дейди Марина. — Гап шундаки, айрим мурожаатлар мавзуси бир хил, қайта-қайта шу масалани ўрганишнингиздан сўнг бу соҳадаги ҳужжатлар ёд бўлиб қолади.
 Ўқини тугатгандан сўнг Маринани адвокат бўлмоқчи.
 — Клиникадаги фаолиятим давомида адвокат нафақат етук юрист, балки яхши психолог ҳам бўлиши кераклигини тушундим, — дейди у.

— Чунки адвокат ҳимоясига муҳтож одамлар билиб-билмай жиноят содир этгани ёки унинг қонуний манфаатлари бошқалар томонидан поймол этилгани оқибатида гоҳо гангиб қолган, гоҳо норозилиги кучайган кишилар бўлади. Уларни сабр билан тинглашга катта маҳорат, юқори одоб керак бўлади.

Дарҳақиқат, клиникада маслаҳатчилар талабаларнинг ўзлари. Клиникани ташкил этишдан мақсад ҳам институт талабаларининг амалий тайёргарлигини, билим даражасини ошириш, ўқиш жараёнини амалиёт билан боғловчи доимий ишлаш тизимини жорий этиш, институтнинг адвокатура, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, таълим жараёнида назарийёт билан амалиётнинг мутаносиблигини таъминлаш, талабада бажарилган иши ва унинг натижаси учун жавобгарлик ва масъулият ҳиссини ривожлантиришдан иборат.

Бир вақтнинг ўзида бир қанча ҳуқуқ соҳалари бўйича маслаҳат беришнинг ташкил этилганлиги фуқароларнинг кенг қамровли саволларига жавоб беришда ва клиниканинг самарали ишлашини таъминлашда ёрдам беради.

Талабалар фуқароларни қабул қилишар экан, уларга дарҳол жавоб беришмайди, навбатдаги учрашув вақтини белгилашади. Унгача клиниканинг бошқа аъзолари билан мурожаатдаги муаммони қандай ҳал этиш, қандай йўл-йўриқлар кўрсатиш борасида фикрлашади. Ўзлари қатъий бир

қарорга келишолмаса, институтнинг тажрибали профессор ўқитувчилари, соҳа мутахассислари ёрдамга келади. Клиника фаолиятига жалб қилинган Матлуба Мирзаабдуллаева, Гулнора Саримсоқова, Леонид Тон, Гулчеҳра Тўлаганова, Зафар Бобоқулов каби ўқитувчилар махсус машғулотлар ўтказишади.

Яқинда талабалар фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судида бўлиб, бевосита жараёнларни кузатдилар. Бу каби тадбирлар талабаларга юристининг жамиятдаги ўрни, юрист этикаси каби тушунчаларни чуқур англаб етишларига ёрдам бериши табиий.

Юридик клиника раҳбари Севархон Марипова шикоят билан мурожаат қиладиганларни бир неча тоифага бўлади.

— Бизга, асосан, билиб-билмай ноқонуний қилмишлар содир этган ёки бошқа шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларига қарши тура олмаган фуқаролар мурожаат этади. Уларга ўзларини ҳимоя қилиш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш йўллари тушунтирилади, — дейди у.

Яна бир тоифа фуқаролар эса асосан равишда ўзларининг ҳуқуқларини бузилган, деб тахмин қиладилар. Онгида ҳуқуқий цинизм, яъни қониқмаслик ҳукм сураётган бундай кишиларга ҳам маслаҳат берилади, тушунтирилади. Афсуски, уларга ўзининг ноҳақлигини ўқитириш жуда қийин.

Яна бир гуруҳ мурожаатчилар эса маълум бир ҳуқуқий муносабатларга киришаётганда, масалан, шарт-

нома тузаётганда, суд ёки давлат органига мурожаат этаётганда ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини билишмайди, бу борада маслаҳат сўрайдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, ушбу клиника фаолияти нафақат талабалар, балки институтнинг маляули ўқитувчилари учун ҳам ҳуқуқий таълим соҳасида илмий изланишлар олиб бориш учун бой материал берапти.

Клиниканинг моддий-техник базаси эса таълимнинг замонавий технологияларини қўллашга тўла имкон беради. Компьютерлар интернет тармоғига уланган, «YURIDA», «Lex.uz» ва «Norma» маълумотлар тизими, кутубхона, офис техникаларидан фойдаланиш мумкин. Алоҳида қабулхона, тренинг хонаси ва маслаҳатхона мавжуд.

Бундан ўн икки йил муқаддам, ушбу клиника ташкил этилган вақтда унинг фаолиятдан ижтимоий мақсадлар ҳам кўзланганди. Жумладан, кам таъминланган аҳоли қатламга беғул малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, улар орасида маърифий-ҳуқуқий дастурларни амалга ошириш режалаштирилган эди. Бугунги кунда юридик клиникага мурожаат қилаётганларнинг аксариятини пенсионерлар, ноғиронлар ва кам таъминланган оила вакиллари ташкил этади.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
 «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионат олий лига жамоалари дастлабки тур ўйинларини ўтказди.

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР



Маълум танлашдан сўнг, яна кучлилар сафига қайтган «Гулистон» футболчилари илк турда Зарафшонда «Қизилқум» жамоасига қарши майдонга тушди. Унда кўпчилик мезбонлар имкониятини юқори баҳолаган бўлса-да, учрашув гулистонликларнинг тўлиқ устунлигида ўтди. Ҳужумкор ва шиддатли кечган баҳсда Элёр Жаҳонов томонидан киритилган икки тўп меҳмонлар галабасини таъминлади — 0:2.

Қаршида «Насаф» вакиллари «Олмалик» футболчиларига имкониятни бой беришига бир баҳя қолди. Унда Игорь Шквирин шогирдлари сафарда тўп суришларига қарамай, учрашувнинг 86-дақиқасига қадар 2:0 ҳисобида зафар кучишаётган эди. Сўнги дақиқаларда юзага келган имкониятлардан унумли фойдаланган қаршиликлар мағлубиятдан қутулиб қолдилар — 2:2.

Жавоб тўпларни Илхом Шомуродов ва Ботир Қораев киритди. Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Шўртан» — 1:0, «Нефтчи» — «Динамо» — 1:0, «Пахтакор» — «Навбахор» — 2:0, «Бунёдкор» — «Сўғдиёна» — 5:0, «Локомотив» — «Бухоро» — 5:1.

Навбатдаги тур баҳслари 8-9 март кунлари бўлиб ўтди. Унда «Бунёдкор» — «Насаф», «Шўртан» — «Пахтакор», «Динамо» — «Гулистон», «Олмалик» — «Қизилқум», «Бухоро» — «Сўғдиёна», «Навбахор» — «Локомотив», «Нефтчи» — «Металлург» жамоалари ўзаро куч синашди.

Эркин ХОЛБОБОВ

Тадбир

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида «Марди майдон» жонли ижродаги қўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида катта гала-концерт ўтказилди.

ВАТАН МАДҲИ



ижод қилаётган истеъдодли ёшларни кашф этаёпти. Иқтидорли ёшларни янада рағбатлантириш мақсадида юртимизнинг мухташам санъат саройида фестиваль совриндорлари иштирокида жонли ижродаги катта концерт уюштирилди. Унда таниқли хонандалар ҳам она-Ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқларини ижро қилишди.

— Концертда «Шукр қил» қўшиғини ижро этдим, — дейди фестиваль совриндори, «Нихол» мукофоти лауреати Малика Эгамбердиева. — Томошабинларнинг нафасини ҳис қилиб турганим учун ўзгача бир кайфиятда куйладим. Умуман олганда, бу каби жонли ижродаги концертлар хонанда ва томошабиннинг олтин кўприк вазифасини ўтаб, миллий эстрадамизни ривожлантиришга хизмат қилаёпти.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон давлат консерваторияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «TerraGroup» компанияси билан ҳамкорликда миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, эстрада йўналишида ижод қилаётган санъаткорларни, айниқса, ёш истеъдодли хонандаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили «Марди майдон» жонли ижродаги қўшиқлар фестивалини ташкил этиб келаяпти.

Бу фестивалга нафақат ёш истеъдод эгалари, балки халқимиз суйган санъаткорларимизнинг ҳам қизиқишлари тобора ортмоқда. Фестиваль миллий эстрада йўналишида

Альбина ЖУМАНОВА

Спорт

КИМЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ?

Хабарингиз бор, шу йилнинг 21 июнь — 13 июль кунлари Туркияда (U-20) ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.



Ҳозиргача ушбу нуфузли мусобақада иштирок этувчи ўн тўққизта терма жамоа номи маълум бўлган. Қуни кеча КОНКАКАФ минтақасида ҳам саралаш баҳслари поёнига етди. Унда кучли тўртликдан жой олган АҚШ, Мексика, Куба ва Сальвадор ёшлар терма жамоалари кичик мундиалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Бунгача мезбонлар (Туркия), Ироқ, Жанубий Корея, **ЎЗБЕКИСТОН**, Австралия, Испания, Греция, Англия, Франция, Португалия, Хорватия, Колумбия, Парагвай, Уругвай, Чили ёшлар терма жамоалари жаҳон чемпионати йўлланмасига сазовор бўлган эди.

Туркияда бўладиган жаҳон чемпионатининг яна беш қатнашчиси

номи шу ой охирида маълум бўлади. Улардан тўрттаси Африка ёшлар чемпионатида, яна бири эса Океания минтақасида ўтадиган саралаш учрашувларига аниқланади. Эслаб ўтамиз, ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионати финал босқичига шу йилнинг 25 март кунлари курия ташланади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Тадбиркорлик субъектлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент шаҳар туманлари филиалларида махсус гуруҳлар тuzилган. Ушбу махсус гуруҳлар томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаш, уларга қулай шарт-шароитлар ва кенг имкониятлар яратиш ҳамда ортиқча қозғовозликларсиз уларнинг мурожаатларини тезкор кўриб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мурожаат учун телефонлар: 244-35-51, 244-35-60.

MUASSIS:

 O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

- | | | |
|---------------------|----------------------|-----------------------|
| Abdulla ORIPOV | Murodulla ABDULLAYEV | Muslihidin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Ochilboy RAMATOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Tat'yana KISTANOVA | Saidahmad RAHIMOV |
- (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
 Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
 Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
 Sport va vakolparvarlik — 233-44-55;
 Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
 Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
 «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
 Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
 «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
 e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
 r — 346
 20311
 nusxada bosildi.
 Nazh ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
 O'ZA yakuni — 21.30
 Topshirilgan vaqti — 00.00
 Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIYEV
 Sahifa lovcchisi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV
 ISSN 2013-7633

 1 2 3 4 5